



Адолатга эришишнинг биринчи ва ўзгармас шарти – ўз нафсимизни, “мен”имизни, номимизни, макеимизни атрофдаги инсонлар нафси, “мен”и, номи, мавқеидан устун қўймаслигимиз шарт. Чунки биз ўзимизни ўзгалардан устун деб билсак ва шунини исботлашга тиришсак, бу бошқа одамларнинг ҳамиятига тегади, улар ҳам ўз нафсларининг ҳимоясига отланадилар – ўртада кучли зиддиятлар уйғонади, натижада, қилишимиз керак бўлган асосий иш четда қолиб кетади – биз яна ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қоламиз. Тарихда ном қолдириш, обрў қозониш учун кураш майдонига чиқиш яхшиликка олиб келмайди. Бу масаланинг биринчи томони. Иккинчи томони шуки,

## КАРИМОВ РЕЖИМИ АҒДАРИЛГАЧ, МУХОЛИФАТ ҚАНДАЙ ҲУКУМАТ ТУЗАДИ?

Айни пайтда Ислоҳ Каримовнинг мустабид ҳукуматига қарши бўлган мухолифларнинг сони жуда кўп. Уларнинг ҳар бири умумий шаклда ўз дастури ва мақсадига эга. Шу баробарда ҳар бир мухолифнинг танлаган йўли ва мақсадларининг кесишмайдиган баъзи нуқталари борлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Каримовнинг барча мухолифлари унинг мустабид тузуми қаршисида бирлашдилар.

Ким учундир узок, ким учундир яқин туюлар, аммо реал ҳақиқат шуки, Каримовнинг золим режими, албатта, тугайди. Золим режим ўз умрини битиргач, ҳукумат, албатта, унинг мухолифлари қўлига ўтиши ҳам муқаррар. Зотан, ҳеч кимнинг қўлида ҳокимият ҳам, бойлик ҳам, умр ҳам боқий қолмайди.

Каримов ҳукумати барҳам топгач, унинг қаршисида бирлашган кучлар ичида дифференциялашув – ажралиш ҳодисаси ҳам юз бериши табиийдир. Чунки бу қарашлар, фикрлар хилма-хиллиги тақозо этадиган ҳолатдир. Ана шунда ҳар бир сиёсий куч ўзини қандай тутиши кераклигини чуқур тафаккур этиши лозим. Биз бугун золимнинг қаршисида мухолиф

бўлиб турган барча кучларга қарата мана шу масалада бир қанча тавсияларимизни билдирмоқчимиз.

**Аввало**, биз сиёсат майдонига шахсий манфаатлар билан кирганимиз йўқ. Ҳеч биримиз шахсий ҳукмронлик даъвосида эмасмиз. Бирор табақа, бирор гуруҳга алоҳида имтиёзлар яратиб беришни ҳам мақсад қилмаганмиз. Биз учун биргина адолат деган тушунча бор. Адолат тушунчаси олдида ҳамма тенгдир – сиёсатчи ҳам, амалдор ҳам, президент ҳам, вазир ҳам, диндор ҳам, даҳрий ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам, миллатдошимиз ҳам, ғайримиллат ҳам. Адолат, ҳақиқат деб курашмоқ учун айнан сенинг адолатсизликка, ҳақсизликка учрашинг шарт эмас, балки бошқаларнинг зулм остида экани сени зулмга қарши оёқлантириши лозим.

**Иккинчидан**, адолат деганда нимани тушуниш керак? Унинг мезонларини ким белгилаб беради? Адолат ҳақиқат каби шундай бир тушунчаки, у ҳар бир инсоннинг онгида ўз шаклига, ўз таърифига эга. Ҳар ким адолатни ўзича тасаввур қилади. Бу эса нисбийликни келтириб чиқаради.

агар шундай қилсак, биз Каримов каби диктаторлардан тамоман фарқсиз бўлиб қоламиз. Агар биз ўз нафсимиз, номимиз ва шон-шухратимиз учун курашсак, худди Каримов ва унинг атрофидагилари каби чексиз зўравонликка асосланган диктатура учун жангга чиққан бўламыз. Аслида, биз ўз нафсимиз учун эмас, Ўзбекистон деб номланган бир ўлка, унинг заҳматкаш ва мазлум халқи ҳимояси, унинг келажаги, илм-маърифати, тараққиёти учун хизмат қилмоқчимиз. Агар биз мана шу тамойилни маҳкам ушласак, бир-бирига қарама-қарши томонларнинг адолат ва ҳақиқат ҳақидаги қарашлари бир нуқтага жамланади.

**Учинчидан**, бугун ҳақиқатни билиб-билмай мухолифатга тош отиб, лой чаплаётган одамлар жуда кўп. Улар рефлексал тарзда Каримов режимига маддоҳлик қилмоқдалар, уни ҳимоялаптилар. Эртага золим режим йиқилгандан сўнг “Сен Каримов тарафдори эдинг, мен эса мухолифатда эдим”, – деган иддаолар жуда ўринсиз бўлади. Чунки бу ҳол ҳам тартибсизликка,

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

чалкашликларга сабабдир. Келажакда тарихни ўрганувчилар таҳлиллар жарёнида жорий вазиятни ўзлари учун баҳолаб олишади. Каримов режимидан сўнг ўтмишда кимнинг қайси тарафда бўлганини аниқлаш деярли бир фойдасиз иш ҳисобланади. Чунки у пайтда бутун жамият конкрет вазифа – кучларни бирлаштириб Каримов режими харобага айлантирган барча соҳаларни оёққа тургазишга сафарбар бўлиш шарт.

**Тўртинчидан**, ҳар бир киши ўта мулоҳазали, сабрли, вазмин бўлиши лозим. Чунки узок йиллик машаққат – 20 – 30 йиллик курашдан сўнг ҳокимият тизгини қўлга келиб қолса, “Кўрмаганнинг кўргани курсин” қабилида иш тутиш ярамайди. Барча соҳани шахсий ёндашув, ўзбошимчалик билан ислоҳ этиб бўлмайди. Кимда қандай таклиф бўлса, уни ўртага қўйиш ва маслаҳатлашув зарур.

Каримов режимидан сўнг Ўзбекистонда бирор шахс ёки гуруҳнинг мамлакат устидан мутлақ ҳукмронлигига йўл қўйиш мумкин эмас. Яъни бугун Каримов режимининг таркибий бўлаклари саналган – суд, парламент ва ижро ҳокимияти кўғирчоқликдан амалий кудрат сари алмашиниши, албатта, зарур. Айниқса, тўртинчи ҳокимият – оммавий аҳборот воситаларининг фаолиятига йўл очиб бериш даркор.

Маълумки, Каримов ижро ҳокимиятини парламент; суд эса иккисини ҳам назорат қилсин дейди, аммо амалда ҳаммасини ўзи бошқаради.

Маълумки, Каримов мамлакатда ўзидан бошқа бирор нуфузли шахснинг бўлишига йўл қўймайди, аммо ундан кейин мамлакатда барча соҳалардаги илғор кишиларнинг эркин муносабат ва фикр билдиришлари учун барча эшиклар очиб қўйилиши даркор.

Тарихга назар солсак, йигирманчи асрнинг йигирманчи йилларида ташкил топган Кўкон мухторияти, Бухоро ва Хоразм халқ республикалари аянчли шаклда йўқ қилиб ташланди. Бу ҳукуматга асос солган ва уни бошқарган кишилар ўлдирилди, кириб юборилди.

Совет тузуми ағдарилгач, Ўзбекистондан демократик кучларнинг кувғин бўлиши ва Каримов диктатурасининг ўрнатилиши ҳамда ўтган асрнинг бошларида қисқа муддатли ҳукм сурган (номлари келтирилган)

миллий ҳукуматларимизнинг ағдарилиши ўртасида бир умумийлик бор.

Бу умумийлик, истасак, истамасак, тан олишимиз керак – халқ оммасининг катта қисми, ҳатто, зиёлилари ҳам чинакам демократик, ҳурфикр жамият қуришга тайёр бўлмаганидадир. Яъни Кўконда, Хоразмда, Бухорода ҳукуматлар кучга келганида халқ ва унинг ичидаги илм эгалари ҳам уни тутиб қолиш йўлида жипс бўлиб отланмадилар;

Каримов режими 90-йилларда ҳокимиятни қўлга олганида ҳам халқ ва унинг ичидаги зиёлилар унга қарши курашмади, миллатпарвар инсонларни таниб турсалар-да, улар билан бирлашиб курашиш ўрнига золим ҳукуматга таслим бўлиш маъқул топилди – демак, ҳар икки даврдаги ўзига хос фожиаларнинг бош сабаби деярл битта. Шунинг учун бугун биз яна бир катта ўзгариш остонасига келар эканмиз – яъни Каримов тузуми барҳам топиши, янги ҳукумат ташкилланиши бўсағасида турар эканмиз, бу ҳодиса – инқилоб учун, Ватанимиз тарихидаги янги давр учун ўзимизни ҳам руҳан, ҳам фикран тайёрламоғимиз лозим.

Ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорлашга ҳаққимиз йўқ. Агар Каримов диктатураси ағдарилгач ҳам, ҳокимият яна бир бошқа каримовнуханинг қўлида қолиб кетса, юртимизда адолат, ҳурлик тантана қилишига ишонмай шубҳалар, гумонлар, иккиланишлар ва кўрқув исканжасида туриб қолсак, яна бир авлод таназзул ботқоқларига ботганидан ботиб боради.

Бугун Каримов режими ҳукм сураётган лаҳза бизнинг золимга қарши курашимиз бир қадар чекланган, биз бу ишга ўзимизни мутлақ бағишласак ҳам, озгина бўлса-да, вақтимиз ортиб қолади. Унутмаслигимиз шартки, ўтаётган вақт Каримов режими учун ажал чақирув онлари ҳисобланса, бизга келгуси ишлар учун руҳий-ҳиссий тайёргарлик замонидир.

Шунинг учун биз берган тавсияларни, ушбу мақолада илгари сурилган мулоҳазаларни жиддий қабул қилиш мумкин. Лозим топилса, ҳар бир муҳолиф аъзоси қалби, ақли билан холис, самимий бўлишга қасд қилиши ва ўзини йирик ишларга ҳозирлаши керак.

Абдуллох Нусрат

## Кўрмайди дейсан-да одамларни сен

Вақтимиз йўқ

*Шунчаки, биз жуда банд бўлиб қолдик,*

*Энди фурсат йўқдир изҳори дилга.*

*Безакдор каломлар қайга йўқолди?!*

*Кўзлар ҳам йўлиқди гўёки силга...*

*“Ватаним, мен сени севдим”, – дейишга,*

*Вақт йўқдир. Бандмиз биз – очигин айтсак...*

*Улгура олмаймиз бундайин ишга, Чунки унга холис хизмат ҳам керак...*

## “Хавфли” одам кечинмаси

*Кўрдим: чўчиб кетдинг сўзимни тинглаб,*

*Шубҳанг этди сени бир мустамлака.*

*Мусича сингари ҳар ён аланглаб, Дединг: “Майли, хайр, ҳозирча “пака!”*

*Сира англамадинг айтган сўзингни,*

*Сени занжирлади хаёлинг буткул. Ичингга ютганча хаста*

*сасингни,*

*Ғойиб бўлдинг тезда, силкимасдан қўл.*

*Мен ҳам эргашимадим сенга, албатта,*

*Унутдим сен қўрққан ўша бир дамни.*

*Ахир, биламан-ку, осонмас, ҳатто*

*Тингламоқ мен каби “хавфли” одамни.*

## Гуноҳлар ичра

*Кўрмайди дейсан-да одамларни сен,*

*Билмайди барибир қилган гуноҳинг.*

*Жуда хотиржамсан, кўнглинг жуда тинч –*

*Юзингда акс этмас қалбдаги доғинг.*

*Тун нима? Кундуз не? Шому тонг недир?*

*Барида маъсият ҳидлари қолган. Десалар бир куни «Юрагинг*

*келтир»,*

*Боқ, у аллақачон ҳидланиб қолган...*

Гўрўғли

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон Ички ишлар идоралари 20 февралдан бери олиб бораётган кенг қўламли «Тозалаш — Антитеррор» тадбири давомида чет элда яшаётган 75 минг ўзбекистонликка оид шахсий маълумотлар тўпланиб, уларни махсус қайдга олган.

Айни пайтда, яқинда чет элдан қайтган 70 минг киши билан «профилактик» суҳбат ўтказилиб, улар ҳам махсус рўйхатларга киритилган.

Бу рақамлар Ўзбекистон ИИБ нинг расмий нашри бўлган «Постда» газетасида келтирилди.

Айни нашрга кўра, «Тозалаш — Антитеррор» тадбири доирасида 261 нафар хорижлик ва фуқаролиги йўқ шахслар мамлакатдан чиқариб юборилган ва 306 киши руҳий касалларни даволайдиган ёпиқ муассасаларига мажбурий муолажа учун ётқизилган.

ИИБ ахборотида кўра, сўнгги бир ой ичида кишлоқлар, маҳаллалар, корхона, ташкилотлар ва таълим муассасаларида 13 минг 800 дан зиёд учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилиб, фуқаролар огоҳликка чақирилган.

Бу рақамлар ортидаги тафсилотларни ўрганиш давомида Озодлик муҳбири суҳбатлашган навоийлик 27 яшар шахс, Истанбул орқали Тошкент аэропортига қўнганида жиддий текширув объекти бўлганини айтиб берди:

— Наврўз ҳамда қариндошимизнинг тўйи учун боргандим. Тошкент аэропортининг ўзида 4 соат қолиб кетдим. Олдинига сурув қўйлар каби битта пода қилишди. Кейин Европадан келган ўзбекларни бир гуруҳ, Туркиядан келганларни бир гуруҳ қилишди. Россиядан келганлар катта гуруҳ бўлди. Кейин тез-тез савол жавоб қилиб гуруҳдагиларни яна айиришди. Мени жиддий савол-сўроқ қилинадиганларга қўшишди. Мени сўроқ қилган одамнинг қўлида Чехия бўйича шпаргалка-вопросник бор экан. Ўшанга қараб савол-сўроқ қилди. Масжидга борасанми, журналистлар билан учрашганмисан, деган саволлар. 4 соат ўтиб аэропорт ташқарисига чиқиб Навоийга кетадиган машинага ўтириб уйга кетдим. 6 соатларча юриб уйга борсам, аллақачон маҳалла посбони келиб кутиб ўтирган экан. Уйга кириб юкларимни қўйдиму посбонга қўшилиб маҳалла идорасига бордим. У ерда яна қайтадан

саволларга жавоб бердим. Бир неча қоғозларга қўл қўйдиришди ва СПИД аниқлайдиган докторхонага йўлланма берди, дейди суҳбатдош.

Махсус чиғирқдан ўтказилган бу манбанинг айтишича, тўрт кун ичида ўзини яна икки марта қайта «суҳбатга» чақирилган:

— Бир мартасида Навоий вилоят ИИБ профилактика бўлимида



## Марказий Осиёнинг турмаси — Ўзбекистон

суҳбат бўлди. Кейин СЎБнинг хужжатини кўрсатган киши СПИД аниқлайдиган докторнинг кабинетида суҳбатлашди, дейди навоийлик суҳбатдош.

Бу йигит Ўзбекистон ИИБ ва МХХ ходимлари томонидан кейинги бир ой ичида суҳбатдан ўтказилган 70 минг четдан қайтган Ўзбекистон фуқаросидан бири, холос.

### «Тозалаш — Антитеррор» тадбири қандай ҳуқуқий асосларга эга?

Самарқандлик адвокат Дмитрий Владимиров Озодлик муҳбири билан ёзишув асносида бунга оидлик киритди:

— Чет элдан қайтганлар билан «Профилактик суҳбат» процессуал нормалар кўпол тарзда бузилган тергов сўроғига ўхшайди. Бу тергов Ўзбекистон фуқаросининг аэропортга келиши билан бошланиб, участка милиция нозирининг тунги ташрифлари билан давом этади. Ўзбекистонга кириш ва чиқиш эркинлиги мамлакат конституциясида кафолатланганини эслатиб қўйгим келади. 70 минг фуқарони санкциясиз холда сўроқ қилган мулозимларни ўз хизмат вазифасини суъистеъмол қилиш ҳамда мансаб ваколатларини ошириш каби моддалар билан жавобгарликка тортиш мумкин, дейди адвокат.

Айни пайтда, адвокат айтган қоидалар қоғозда қолиб кетмоқда.

Озодликка маълум бўлишича «Тозалаш — Антитеррор» тадбири Тошкент шаҳрида фаол ўтказилмоқда.

Жиззахлик машина устаси Дилшод Наврўз байрами арафасида

автомобил эҳтиёт қисмлари сотиб олиш учун Тошкентга борганида, бир куннинг ичида 14 марта тўхтатиб сўроқ қилингани, кунни милиция бўлимларида ўтказиб, Жиззахга қуруқ қўл билан қайтиб келганини айтади.

Тозалаш тадбирида иштирок этаётган «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмасидаги Озодлик манбасига кўра, айни кунларда бошқа давлатларга узоқ муддатга чиқиб кетганларнинг шахсини аниқлаштириб, махсус рўйхатни МХХдаги кураторларга ёзма равишда топшириш ишларига жиддий эътибор қаратилган:

— Олдинлари четда юрганлар шунчаки назорат қилинар эди. Бир-икки кунга кетди, эрта-индин келиб қолади, деб қўя қолардик. Ҳозир унақа эмас. Маҳаллага СЎБдан наводка келади ким қаердалиги ҳақида. Шу асосда ишляпмиз. Мени ўзим бир ой давомида 130 кишининг оиласига бориб тушунтириш хати ёздириб олдим. Тушунтириш хатининг образеци бор. Паспорт-прописка режимини бузганлар билан алоҳида гаплашяпмиз, дейди суҳбатдош.

Манбанинг айтишича, бир ой ичида Тошкент шаҳрида мақсадсиз кезиб юрган 1268 киши ушланиб профилактика марказига олиб кетилган.

Озодлик манбаларига кўра, айни кунларда Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан чегара постларида ҳам назорат кучайтирилган. Шу кунларда ёпиқ қолаётган ўзбек-қирғиз чегарасида Ўзбекистон томони чегараолди ҳудудларни кучайтирилган тартибда қўриқлашга ўтгани айтилмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими



Тилини ҳақоратдан тиймайдиганлар, рақибини ҳалол баҳсда ва хайрли ишлар билан енга олмайдиганлар пасткашликнинг бир намунасидир. Шунинг учун менинг мақолаларимга ёзиладиган сўкиш ва ҳақорат сўзларини ўчираман.

Биз Ўзбекистондаги бугунги ҳукумат аъзолари Президенти Ислоҳ Каримовдан тортиб энг кичик маҳалла оқсоқолигача сўконгич бир мутахассислар эканлигини жуда яхши биламиз.

Шунингдек, ўзбек миллий хавфсизлик хизмати ўз агентларини фейсбукка жойлаштириб, уларга муҳолифат аъзоларининг шаънига тегиш, уларни ҳақорат қилиб асабийлаштиришни буюрганларини ҳам биламиз. Чунки асабийлашиш жараёнида киши билиб-билмай одобсизлик қилиб

## Фейсбукдаги МХХ «қулоқ»ларига

қўяди. Бу эса унинг ҳурматини туширади. Ўзбек МХХси кўзлаган мақсад шу.

Ўз миллатини қул қилган подшоҳнинг қуллари шуни англасинларки, улар қўйган тузоқ ўзлари учундир, иншаОллоҳ. Золимнинг умри қисқариб бормоқда. Ўтаётган ҳар бир кун Каримов ва унинг режимини еб битирипти. Ўз зулминини ва ҳалокатини қанчалик яшириш учун Каримов ва унинг ҳукумати одамларни алдашга тиришмасин ва турли сифатсиз қурилишлар қилиб кўз бўямасин, умрини Оллоҳ белгилаган чегарадан бири қадам ҳам узайтира олмайди.

Бизда таксистларни тақиқлаш

ҳақидаги қарордан кейин ДАН ходимларини йўлнинг ўзида сўйиб ташлашгани, бир неччасини эса машина лобовойига қапиштириб кетишгани хабарлари бор. Буни махсус бир мақола қиламиз, иншаОллоҳ. Айтмоқчи бўлганим шуки, Каримовнинг «ислохотлари» ҳамиша ёлғончининг исловотларини эслатиб келган.

Бу жумламизни сўкиш деб тушунманг, зотан, бу реал бир тасвирдир. Чунки Каримов ўз одамларига «Сиёсат — суюгоёк хотин» (ўзининг тили билан ж... хотин) деб уқтириб келган. Биз барчангиздан тафаккур қилишни ва ҳамиша ўз ҳайбатингизни сақлашни сўраймиз. Модомики, бизга рақиб экансиз, шунга муносиб бўлинг. Дўстларимиз эса бизни сўзсиз тушунадилар, иншаОллоҳ.

**Абдуллоҳ Нусрат**



## Сохта тарих

Бугун қўхна Норвегия тарихи бўйича болалар учун тарих китобларини ёзаётган норвегиялик журналист (Афтенпостен газетаси) Андерс Йохансен билан тарихдаги сохталаштиришлар ҳақида суҳбатлашдим. Ота-онаси қачонлардир Москвада ишлаган пайтларда совет мактабида ўқигани учун у рус тилида бемалол гаплашади ва ўқий олади. У ВДНХ (Выставка достижений народного хозяйства – Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси)нинг тарих павильонинидан, хусусан, викинглар тарихини Россия билан боғлаб тақдим этаётганларидан ва ундан ҳам кўра сўнгги даврларни,

айниқса совет даврининг қай тарзда талқин этилаётганини қўриб дахшатга тушганини айтди. “Ахир бу ғирт уйдирмаку!” – дея хитоб қиларди тонг қолган норвег. “Россияда нега бунақа нарсалар оммалаштирилмоқда?” деган саволга жавобни кўлидан келганча тушунтирмоқчи бўлиб, қуйидагиларни айтди. Халқ қачонки тез ривожланишга бошласа, ўтмишини гарчи у нохуш бўлса ҳам аниқ

тушуниб олишга ҳаракат қилади, чунки мозий хатолари келгусида нимадан хавотир олиш зарурлигини ўргатади. Чунки халқ мазмун-моҳиятига кўра ўша халқнинг ўзидир ва у ўша-ўша хатоларни қилишга мойил бўлаверади. Ўтмишга оқилона баҳо бериб иш тутмоқлик келажакда муваффақиятга эришишнинг қандайдир кафолатларини беради.

Бордию, халқ ривожланмаётган бўлиб, сассиз турғунликда чириётган бўлса ёки очикдан-оқчиқ таназзулга юзтубан кетаётган бўлса, унда унга ўтмиш ҳақиқати керак эмас, бироқ тарихий ширин афсоналар унга ҳамр ёки кўкнор каби таъсир кўрсатади. Улар халқнинг сархуш мудроққа кетишига, тарих йўлларида ҳамма ундан ўзиб кетаётганига парво қилмасликка ҳамда ўтмишдаги буюклик ва ўзига хос такрорланмаслиги тўғрисидаги хаёллар (фақат хаёллар) билан ўзини юпатишига имконият беради. Бирок бунинг битта ёмон томони бор – ўтмиш оғусидан бўладими ёки бу ҳозирги пайт оғусидан келиб чиқадиغان сархушланиш шахснинг босқичма-босқич таназзулига, ақлдан озишига ва алал-оқибат жисмоний ҳалокатига олиб келади.

“Зар уйқу”нинг кадр-қиймати мана шу бўлади. Бунёдкорликдан ожиз ҳокимият ҳукмдорлик тизгинларини яхшилиқча топширишни истамай, халққа ушбу оғуни едиришга ҳаракат қилади, совет даври давомида “тарих – бу мафкура” деган ғояни ўзига сингдириб олган халқнинг оғу билан захарланган ушбу папиросани ҳузур қилиб чекишдан тўхтамаганини кузатиш нақадар қайғули.

Москва Давлат халқаро муносабатлар институниинг собиқ профессори Андрей Зубов.

Манба: Facebook.com

Ўзбекистон – ислохотлар диёри. Ҳар йили, керак бўлса, ҳар ойда янгидан янги ислохотлар, барча соҳаларни замонавийлаштириш, ҳар жабҳада модернизацияга эришиш сари бутун халқ жонажон ҳукумат раҳнамолигида бир тану бир жон бўлиб қадам ташлайди.

Газеталарда турли лойиҳалар эълон қилинади, ҳукумат бу лойиҳаларга пул ажратади, бу пулни икки-уч киши бўлиб олиб еб битиришади; ҳар куни телеканаллар бўйлаб ўз ҳуқуқингизни ҳимоя қилинг, агар биров сизга бир бало деб “лишний” гап қилса, мана бу рақамларга тилпон уринг, айниқса, тадбиркорлар давлат кенг қанотлари остидадир деб бонг уришади.

Аммо одамлар кўзига қарасангиз сунъийликдан хориган тасвирни топасиз. Халқнинг руҳи чўккан, худди кўғирчоққа ўхшаб қарсақ уришни билади, холос. Халқ фикрлашдан маҳрум қилинган. Одамларга фикрлаш тақиқланган. Ғафлатга ботирилган оммани уйғотиш ҳеч қачон осон бўлмайди.

Яқинда Республикада таксистларнинг ҳаракатларини тартибга солишга уриниб қолишди. Битта қарор ҳам чиқди. Агар кимки, мошинасини сариққа бўяб, тепасига такси деган ёзувни қўндириб ҳайдамаса, кира қилишга ҳақи йўқ экан. Унинг ёнига янада ривожланиш белгиси сифатида ҳамма ҳайдовчилар ранги яшил бўлган бир нимча сотиб олишга мажбурланди. Бу билан ҳукумат ўзининг ҳақпарварлигини, шу нимчани кечкурун қийса, ҳар хил паллакатлар бўлмаслигини маълум қилмоқчи эди. Аммо “онги паст” халқ буни тушунмади, айниқса, фейсбукда бу ислохотлар роса мазах қилинди.

Ўзбекистонда эркакларнинг ярми таксист, ярми мардикор. Мардикорларни иш жойига элтиш учун таксистлар пул олиб тирикчилик қиладилар. Хотинлар эса бозорлар, чойхоналар ва бошқа жойларни ҳам эгаллаб олишган. Шу шароитда бутун мамлакатдаги таксистларни назоратга олиб бўладими? Вилоятларни ўзаро таксистлар боғлаб туришади. У вилоятдан бу вилоятга борадиган таксистларнинг саноғи маълум эмас. Пойтахт ичида эса бекор қолган одам эрмакка чиқиб кира қилади. Бу қарор Каримов ҳукуматининг барча қарор ва фармонларига уйғун шаклда жуда бевақт чиқарилди. Қарор 2016 йил 1 мартдан эътиборан кучга кирди.



## ЎЗБЕКИСТОНДА ИСЛОХОТЛАР ЁКИ ЭШАКНИНГ ОТ ЎЙИНЛАРИ

Бир неча норасмий киракашларни ушлашди, шўрини қуритишди. Аммо Фарғонага қатнайдиغان таксистлар қараб ўтиришмади – йўлда – водийга борадиган йўлда постлардан бирида уларни тўхтатиб жарима соламан деган ДАН ходимини чавақлаб ташлашди.

Бу бир мартагина содир бўлса майли эди, аммо бир ҳафтанинг ўзида – мартнинг иккинчи ҳафтасида ҳар куни икки-уч марта ДАН ходимларига пичоқ уришди, улардан ўша жойнинг ўзида ўлганлар ҳам бўлди, аммо воқеалар ўзлик билан бости-бости қилинди. Устига устак Тошкент вилоятининг Тўйтепа шаҳрида вилоят МХХ раҳбарларидан бирининг 18 яшар жияни тўртта одамни эрмакка Қўйликқа олиб келаётганида тўхтатиш учун кўрсаткичини кўтарган ДАН ходимини бориб урган ва бечора ходим мошининг олд ойнасига – “лобой”га ёпишиб қолган. Шу тарзда эллик метрли сайрдан кейин думалаб даланинг четидаги эгатга тушиб кетган. Эркатой эса газни босиб жўнаб қолган. Хайриятки, ДАН ходими ўлмади қолди, аммо бундан кейин йўл юзида турмаса керак. Йигитчани бўлимга олиб боришди, ярим соат ҳам ушлаб ўтирмади кўйиб юборишди, зотан, уларнинг айтишича, “йигитчиликда бунақа шўхликлар кўп бўлади, ҳаммамиз ҳам ёш йигит бўлганмиз”.

Ана шу воқеалардан сўнг Ички ишлар вазирлиги бирдан

хушёр тортди, бу хабарлар энг юқори органларга қадар чиқиб борди, ҳукуматдан норасмий равишда амр келди: “Таксистларни текширманглар!”

“Қарор нима бўлади?”

“Нима бўларди? Ўзбекистонда ҳукуматнинг қайси қарори ишляптики, энди бу ишласа? Бу аҳмоқ, онгсиз халқ қарорга тушунарми!”

Шундай қилиб дастлаб “қаттиқ кучга кирган” ҳукумат қарори март ойи ўз поёнига етиб улгурмай ҳамманинг эсидан чиқди.

Мустабид ҳукмдорлар халқни ўз қўлида қул каби тутиб туриш учун бир қанча методлардан фойдаланишади. Бу методлар халқни чалғитиш, диққатини муҳим бўлмаган нарсаларга жалб қилиш учун хизмат қилади. Булардан бири қурилишлар қуришдир. Каримов буни яхши қўллайди. Ҳар йили турли “бунёдкорлик” ишларини амалга оширади. Шу билан мамлакат тараққиёт йўлида кетаётганига одамларни “ишонтиради”.

Яна бир усул умуман амалга жорий қилинмайдиган турли қарор ва қонунлар чиқариш. Масалан, таксистлар ҳақида қарор шулар жумласидандир.

Бирор соҳада кескин ўзгариш қиладигандек ўзини кўрсатиш. Бу ролни ҳам Каримов ва унинг ҳукумати қойиллатиб ижро қилади. Масалан, ҳокимларни мактаб-

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

мақтаб ишга қўяди, кейин сўкиб бўшатади; энди эскича яшай олмаймиз деб бақир-чақир қилади, лекин реал ҳаётда бирор ўзгариш кўзга ташланмайди.

Бундан ташқари турли байрамлар, концертлар, шоулар ўтказилади, байрамлар дам олиш кунлари деб эълон қилинади, мамлакатда умуммиллий ҳашарлар ўтказилади, бу ҳашарларнинг ясама ўйин эканлигини итдан тортиб битгача яхши билади, аммо ҳеч ким индамайди. Шу тариқа халқ миясидан зарба олган одамга ўхшаб гангиб туради. Ҳеч нарсани англамайди. Халқ орасида кимдир чинакам вазиятни тушуниб қолса, бошидан жудо қилинади.

Бугун – 21 март Наврўз байрами. Каримов кундузги соат 10.00 дан бошлаб Алишер Навоий номидаги Миллий боққа келади, одамларни алдаш учун зўр бериб маъруза ўқийди. Ҳамма қарсақ чалади, номдор ва донгдор отарчилар икки соат магнитофон овозига мослаб лаб кимирлатиб туришади, томошабин бўлиб “кирган”

(аникроғи, киритилган) халойик ўзи ўтирган скамейкалардан туриб, қўл ликиллатиб туришга мажбур бўлади. Бу ҳам камдек тиржайиб туришлари ҳам зарур. Каримов эса байрам яқунланиши арафасида ўйнайди, у, асосан, нима учундир – Хоразм лазгисига рақс қилади. Кейин эса Озодбек Назарбековнинг “Найда бор” деган кўшиғига ўйнайди.

Мана, беш йилки, юртбоши шу икки кўшиққа рақс тушади, холос. Бунга ҳамма билади. Гўёки муҳтарам президент шу икки кўшиқни севади. Бўлмаган гап! Бу ерда Каримовнинг тили билан айтсақ, “сиёсий алдоқчилик” бор. Гап шундаки, Каримовнинг ягона ва унинг учун энг хавфли рақиби Муҳаммад Солиҳ Хоразмда туғилган. Хоразм халқи Муҳаммад Солиҳ важдан кўтарилмасин деган кўрқув билан лазгига шох ташлайди у. Агар лазгига ўйнасам, бу халқ мени яхши кўриб, ўзининг ўғлини унутади деб ўйлайди Каримов. Шунингдек, Каримов водий аҳлидан чўчийди. Айниқса, Андижон ва Наманган бу борада алоҳида ўринга эга. Андижонда

юз берган 13 май воқеасидаги киргиндан кейин андижонлик хонанда Озодбек саҳнага олиб чиқилди, машхур қилинди ва Каримов унинг кўшиқларига рақс этадиган бўлди. У Озодбек Назарбеков орқали Андижон халқи ғазабини сўндириб туришни мақсад қилган.

У бошқа вилоятлардан хавфсирамайди: “Самарқанд – ўзимнинг юртим, Бухоро ахлоқан бузилган, Қашқадарё ва Сурхон тарафларда эса ҳеч қандай норозилик бўлмайди, у томонлардагилар бағрикенг, кўп нарсга эътибор беравермайди”.

Бу фикрларнинг ҳаммаси Каримовга тегишли. У йигирма беш йил давомида ҳукмдори мутлақ бўлиб кўринса ҳам, маҳаллийчиликдан воз кеча олгани йўқ. Тахминан 20 дақиқа ўтиб Наврўз байрам тантаналари бошланади, кузатиб боринг ва биз айтган гапларнинг тўғри эканига шохид бўлинг. Дарвоқе, “байрам тантаналари”ни кўришда сабрли бўлинг ва Каримовнинг алмойи-алжойи нутқларига тоқат қилинг.

**Абдуллоҳ Нусрат**

Ўзбекистон баҳсли бўлиб турган Чаласарт ҳудудига ҳарбий техника ва аскар киритганига 24 март куни муносабат билдирган Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммитига бормаслигини билдирди, дея хабар беради «Озодлик» радиоси. Атамбаев ўз сўзида Қирғизистон биринчи



Атамбаевнинг Тошкентга бормаслик қарори Ўзбекистон икки давлат ўртасида баҳсли бўлиб турган Чаласарт ҳудудига 18 март куни ҳарбий техника ва аскар киритгани билан боғлиқдир. Мазкур воқеадан сўнг унча илиқ бўлмаган Ўзбекистон-Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар янада совуқлашди. Қирғизистон талаби билан бу

## **Алмазбек Атамбаев: Уруш бошлаганларга ҳар доим муносиб жавоб беришга тайёрмиз**

бўлиб уруш очмаслигини, бироқ уруш очмоқчи бўлганларга муносиб жавоб қайтаришини ҳам таъкидлади.

### **«Қирғизистон кўшнилариининг олдида тиз чўкмайди»**

Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев 24 март куни журналистларга берган матбуот анжуманида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 23-24 июнда Тошкентда ўтадиган саммитида иштирок этмаслигини билдирди.

«Чегарадаги вазият шундай қолаверса ва нодўстона ҳаракатлар

давом этаверса мен Тошкентга қандай бораман? Одамлар нима дейди?» деган Атамбаев ўз сўзида давом этар экан, ўз мамлақати бошқа давлатлар олдида тиз чўкмаслигини айтиб ўтди:

— Мен президент бўлганимдан кейноқ “Қирғизистон бундан буён ҳеч кимнинг олдида тиз чўкмайди, деб айтганман. Мен президент эканман, бундай ҳолат ҳеч қачон бўлмайди, -деди Атамбаев ўз сўзи давомида.

**Атамбаев Тошкентнинг «сиёсий ожизлиги»ни таъкидлади**

воқеа 22-23 март кунлари Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доимий кенгашида муҳокама қилинди. Ҳозирча кенгашда бу масалада қандай қарор қабул қилингани ошкор этилган эмас.

Атамбаев Ўзбекистоннинг Чаласарт ҳудудига аскар киритганига муносабат билдирар экан, бунга Тошкентнинг Қирғизистонга таъсир ўтказиш ричаглари қўлдан бой бергандан кейинги ҳаракати сифатида

**(Давоми кейинги саҳифада)**



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

баҳолади:

— Авваллари қўшнимиз “газни ўчириб қўяман” ёки “чироғингни ўчириб қўяман”, деб кўрқитар эди. Сўнгги беш йил ичида қўшнимиз бу ричагларни қўлдан бой берди. Шунинг учун у ноиложликдан мана шундай нотўғри ҳаракатларни қиляпти, — деди Алмазбек Атамбаев.

### **Қирғизистон биринчи бўлиб уруш очмайди**

Президент журналистлар билан мулоқоти пайтида Қирғизистон чегарадаги вазият туфайли уруш бошламаслигини ҳам алоҳида таъкидлади:

-Халқимиз сабр-тоқатли бўлиши керак. Негаки бизга уруш керак эмас. Урушни биз ҳеч қачон биринчи бўлиб бошламаймиз. Лекин очик айтаманки, уруш бошлаганларга ҳар доим муносиб жавоб беришга тайёرمىз, — деди Алмазбек Атамбаев.

Қирғиз мухолифати бир қатор ҳудудларда Ўзбекистоннинг

чегара ҳудудидаги ҳаракатларига норозилик билдирилган намоийшларни уюштирди. Атамбаев бу намоийшларни уюштиришдан мақсад зиддиятни кучайтириш бўлганини, аммо мухолифат бу мақсадига эриша олмаганини айтди.

### **Тошкент Бишкекка жавоб қайтарди**

Ўзбекистон-Қирғизистон чегарасида юзага келган вазият ортидан 18 март куни Қирғизистон ҳукумати Тошкентга норозилик нотаси жўнатган эди. Тошкент 22 март куни мазкур нотага жавоб қайтарган.

Тошкентнинг жавобида Ўзбекистон Наврўз байрами муносабати билан хавфсизлик чораларини кучайтиргани ва шунинг учун аввалдан қирғиз томонини огоҳлантирган ҳолда чегарага ҳарбийлар киритгани айтилади. Бундан ташқари Тошкентнинг расмий жавобида қирғиз томони баҳсли ҳудудлардаги ўзбекистонликларга тегишли ер улушларини ўзлаштириб

олаётганига норозилик ҳам билдирилган.

“Вазирлик афсус билан қайд этадики, ўзбек томонининг бир неча марта қилган мурожаатига қарамай, Қирғизистон вакиллари ўзбек-қирғиз чегарасининг аниқланмаган участкаларида Ўзбекистон фуқароларига тегишли ерларни ўзлаштиришда давом этмоқда”, дейилади Тошкентнинг расмий баёнотида.

### **Ўзбекистон яна бир ҳудудга БТРлар киритгани ёлғон бўлиб чиқди**

Президент Атамбаев журналистлар билан учрашаётган бир пайтда Ўзбекистон Қирғизистоннинг Олабуқа туманидаги Кўктош қишлоғида жойлашган баҳсли ҳудудга ҳам БТРлар ва ҳарбийларини олиб кирди, деган хабарлар тарқала бошланди. Бироқ Қирғизистон Чегара хизмати раиси Раимберди Дуйшенбиев Озодлик радиосига бу хабар ёлғон маълумот эканини билдирди.

### **ЎХХ хабарлар бўлими**



## **Тошкентда Каримовнинг «Байрами» бўлиб ўтмоқда**

*(Тошкентдан жонли репортаж)*

Хабар берганимиздек, Каримов байрами ҳисобланган Наврўз “тантаналари” Тошкентдаги Миллий боғда авж олиб турибди. Каримов майдонга 10 дан 20 – 25 дақиқалар ўтганда кириб келди. У анча ҳорғин ва толиққан эди. Нутқ давомида бир неча марта томоғини қиришга тўғри келди, чунки у шу кунларда томоқ оғриғига йўлиқиб, овози яхшигина бўғилганди. Аммо укол кучи билан бир амаллаб олти бетли матнни

ўкиб берди. Ўз оdatига содиқ қолган Каримов, албатта, матнда адашди. Навойининг табаррук сўзларини айтмоқчи эди, аммо Худо уни бунга муносиб кўрмади, шекилли, мутлақо бошқа гапни ўкиди. Аслида, у ўкимокчи бўлган жумласини йўқотиб қўйди ва оғизга келган гапни айтди: “Ҳазрат Навойининг табаррук сўзларини сизларга қарата айтмоқчиман... (Пауза) Барчангизга байрам муборак бўлсин! (Кучаниб) Ҳар кунингиз наврўз бўлсин!”

Қарсақлар, “тўлқинланиб” кетган оломон ўрнидан туриб ҳам кетди. Бу сафар ҳеч нарса Каримовнинг кексайгани ва қаримсиқ башарасини яшира олмади. Унинг овози ва ҳар қачонгидан кўра кўпроқ тугилиши унинг асл башарасини кўрсатди. Каримов нутқи давомида халққа икки марта таъзим қилди. Тинчликни мақтади, ёшларга душманларга курашинг деди, халқимиз ҳамма нарсдан кўра омонлик, тинчликни афзал кўради дея 25 йиллик ашуласини такрорлади.

Халойиқнинг қарсақлари нима учун аввалгидек қизгин ва жаранглаб чиқмади.

Биз Конституция байрами арафасидаги чиқиш Каримовнинг сўнгги чиқиши бўлади деб умид қилган эдик. Бироқ у ҳамон халқ олдида чиқиб “нутқ ўкимокда”. Ақли солим кишилар англаб турибдиларки, ҳар бир нутқи Каримовнинг битган кунидан дарак бермоқда.

Айни пайтда айтиб ўтилганидек, донгдор ва номдор отарчилар магнитофон овозига мослаб лаб қимирлатмоқдалар, бутун майдон аҳли мажбуран рақс тушиб, бахтиёр ҳолда илжаймоқда.

### **ЎХХнинг Тошкентдаги муҳбири**

## Ўйлама, мазлумлар зулмга рози

**Ўзимга...**

*Сўзларинг кир бўлган, хаёлинг  
бетоб,  
Ўқиган одамга юқмасин касал...  
Ёзишга ёзасан, қўрқасан шу тоб*

*Нетасан байтларинг сўраса  
бадал?!*

*Юртга қай йўл билан хизмат  
қиласан –  
Вужудинг маразга тўлгани  
сайин...*

*Ишинг шу – сўзларни изза  
қиласан  
Ювиқсиз қалб билан ёзгандан  
кейин...*

**Улкан қасос**

*Сенинг суянганинг – алдамчи бир  
зот,  
Кувилган Даргоҳдан, лутфу  
карамдан.  
Менинг суянганим – Мангу  
Барҳаёт,  
Сўзларимни қилган хокисор  
шамдон.*

*Сенинг қилганларинг мазлумга  
зулм,  
Сенинг истаганинг – дунёда  
жаннат.  
Мен эса Ўзига бўйсунган қулман,  
Ва йиғлаб сўрганим Ундан  
мағфират.*

*Ўйлама: «Мазлумлар зулмга рози  
–  
Дейдилар ҳаминша сўзларимни  
рост».  
Ҳақирнинг гам қалби, кўзёшли  
кўзи –  
Сақлаган сукути улкан бир  
қасос!*

**Сабр**  
**Муҳаммад Солиҳга**

*Вақт йўли оқади дунёни қучиб,  
Уни тўхтатолмас бировнинг  
кўнгли.  
Қутилган манзилга борамиз  
кўчиб,  
Фақат кўз илғамас бу йўлнинг  
сўнгин...*

*Лаҳзалар тўлқини аямас танни,  
Сабрга осилиб қолар нигоҳим...  
Кипригимни ювар мардумак  
қони –  
Сабрнинг қўллари тиканак,  
чоги...  
Гўрўғли*



## Алмазбек Атамбаев: Агарда бизга ҳаво Тошкент орқали ўтганида, уни ҳам кесиб қўйишар эди

Ункур-Тоонинг Ўзбекистонга ўтгани ҳақидаги хабарлар ёлғон. Бу ҳақда 24 март куни журналистлар билан суҳбатида Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев айтиб ўтди.

“Ҳукуматнинг яна бир шундай станция куриш ҳақидаги қарори жуда ҳам тўғри, чунки худуд баҳсли ва албатта бу ерда музокоралар бўлади. Ўзбекистон ҳукумати Чаласарт худудига ўз ҳарбий транспортини киритди, агарда бошқа худудга ҳам киритишсачи? Тоғда жойлашган станциядан 150 мингкиши сигналлади вателевизор кўради, уяли алоқа телефони орқали гаплашишади. Ўзини асрагани Худо асрайди. Қўшниларимизнинг муносабатларини кўраяпмиз, газни ўчиришди. Ҳозир мен очиқ айтмоқчиман, мен Ўзбекистон ҳукуматига, Қирғизистонда халқ “агарда бизга ҳаво Тошкент орқали ўтганида, уни ҳам кесиб қўйишар эди” – деб айтаяпти, — дедим. Қўшнилар билан бундай муносабатга йўл қўйиб бўлмайди. Қолаверса қирғизлар кучдан кўрқиб тиз чўкадиганлардан эмас. Лекин, албатта сабр қилиш керак. Ахир бошқа баҳсли худудларда биз хатто йўллар қураяпмику”, — деди у.

Аммо, А.Атамбаевнинг фикрича, Ункур-Тоо борасида бундай хабар тарқалишида ҳукуматнинг хатоси бор.

“Ҳукуматнинг айби бор. Улар дарров очиқчасига ҳаммасини

айтиши ва тушунтириши керак эди. Бизнинг халқимизга, қандай бўлишидан қатъий назар, ҳар доим ҳақиқатни айтиш керак”,- деди у.

Шунингдек А.Атамбаев Қирғизистон мамлакатни газ ва электр энергияси билан таъминлашда мустақилликга эриша бошлаганини ҳам айтиб ўтди.

“Биз бошқа давлатга қарам бўлишимиз керак эмас. “Қирғизгаз”ни “Газпром”га сотганимизда ҳар хил қичкириқлар бўлган эди. Ўшанда Келдибеков у сотиб олиши кераклигини айтиб чиқган эди. Биз аввал Ўзбекистондан ҳозиргидан кўра 100 АҚШ доллариға қимматроқ нарҳда газни сотиб олаётган эдик. Лекин ҳаммаси эсдан чиқди. Ва аввал юқори лавозимда ишлаган шахслар, мана Османакун ёзди, бизга газ бериладими ёки йўқ деган ўйлов билан, аввал ҳукуматдагилар кечалари билан ухламай чиқишган. Энди эса қани “Газпром”га газни кесишга ҳаракат қилиб кўришсинчи. Қани уруниб кўришсин. Биз қўшниларимиз қўлларидаги барча тизгинларни йўқга чиқараяпмиз. Агарда биз доирадан чиқиб олсак, шунда биз қишда чирокни ўчиришимиз, сувни тўхтатишимиз мумкин, лекин биз бундай йўлларга юрмаймиз, чунки қўшниларга яхши муносабатда бўлиш керак”,- деди Атамбаев.

**ЎХХ хабарлар бўлими**





## Ижтимоий тармоқ фитналаридан бир лавҳа

Каримов жорий йилнинг февраль ойида қилган чиқишларидан бирида интернетга тақиқ қўйиб бўлмайди деган “дохиёна” фикрни айтган эди. Ким интернетни тақиқлашга уринса, бу аҳмоқона деб қўшимча ҳам қилган эди. Одатда, Каримовдан фақат аҳмоқона ва ҳаммаша вазиятни кечикиб баҳолайдиган, ҳамма биладиган гаплар чиқади. Бечора оломон эса ўз юртбошисидан мажбурлаб даҳо ясаб олган, шунинг учун унинг бу гапи бироз вақт шов-шув қилинди. Мухолифлар эса Каримов ҳукумати ўзига қарши танқидий руҳда бўлган ўнлаб сайтларни тақиқлагани ҳақида баёнот берганди.

Бугун фейсбук жаҳондаги энг оммавий ижтимоий тармоқ ўлароқ миллиарддан ортиқ кишини ўзида бирлаштириб турибди. Фейсбук – янгиликлар тарқаладиган ва кишиларнинг психикасини, турли соҳалардаги қарашларини акс эттирадиган кўзгуга айланди. Фейсбукда миллиардлаб кишиларнинг шахсий суҳбатлари ва маълумотлари тўпланди ва мисли қўрилмаган улкан омбор пайдо бўлди. Агар ўзаро ёзилган мактубларни ошкор қилинса, бутун олам лол қоладиган ҳақиқатлар юзага чиқади. Бу ҳақиқатлар бутун бошли тузумларни алғов-далғов қилиб юбориши ҳам мумкин.

Бугун фейсбукда ўзбек фойдаланувчилари ўз ўрнига эга десак, хато бўлмаса керак. Аммо реал шахслардан кўра ясама номлардан кирганларнинг саноғи ҳам кўп. Турли лақаблар билан ўзи ҳақида маълумотларни ниқоблаб олганлар шартли тўрт гуруҳга бўлинади:

1) алдоқчилар;  
2) оммага кўринишни истамаган, лекин сўнгги янгиликлардан хабардор бўлишни истаганлар;

3) мухолиф вакили бўлгани учун ўз хавфсизлигини сақлаш учун лақаб билан ўзига аккаунт очганлар;

4) ўзбек МХХ вакиллари.

Алдоқчилар шунчаки эрмак қилиб ўтиришади, баъзилар икки-уч профилни икки-уч номда очиб олишган, ўзларига ўзлари “лайк” босиб, ўзини ўзи мактаб ўтиради. Уларнинг кўпинча икки қиёфаси бор: биттаси жуда ювоши, биттасида жуда жангари ва фитначи.

Оммага кўринишни истамаганлар эса беозор, бору йўқлиги билинмайди, улар жуда самимий.

Каримов зулмига учрамаслик ва унга қарши курашиш учун кўплаб мухолифлар ҳам лақаб остида фейсбукдан фойдаланишади. Улар мавжуд ҳақиқатларни шу йўл билан айтишади. Ўзларининг хавфсизлигини таъминлаш учун



ниқоб тутишга мажбур бўладилар.

Ўзбек МХХ вакиллари – булар ҳам ҳеч қачон ўз номидан кирмайди. Улар одамлар ўртасида фитна уйғотиш учун ҳаракат қилишади. Улар ўзларини худди мухолиф каби тутишади, Ислоом Каримов ҳукуматини танқид қилишади, аммо бошқа мухолифларга ҳам тиш қайрашади, Каримовга – зулмга қарши бўлганлар ичида зиддиятлар уйғотиш учун интиладилар. Шунингдек, улар ўзларини ҳалол ва ҳақиқатгўй кўрсатиб, чиндан шундай бўлганларни аниқлаб, йўқ қилиш учун хизмат қиладилар.

Ўтган ҳафталаб давомида Ўзбекистондаги дин уламолари, хусусан, марҳум шайх Муҳаммад Содик ва унинг шогирдлари баҳс марказига қўйилди. Абдулла Орипов шахсияти муҳокама қилинди. Яна бошқа ўнлаб баҳслар бўлиб ўтадики, уларнинг ичида фитна чиқариш учун МХХ вакиллари ақиллаб туришади.

МХХ вакилларининг қуроли – ҳақоратдир. Улар ўз суҳбатдошларининг шахсиятини таҳқирлайдилар, уларни ахлоқсизликда, фахшда айблайдилар. Шу тарика одоб пардаларини йиртадилар, ўз мусоҳибини асабини бузиб, уни чегарадан чиқишга мажбур қиладди. Хурмати юксак кишиларга тил тегизади, шубилан одамларни турли ижтимоий-сиёсий мавзулардан четлатишга эришадилар.

Фейсбукда самимий ёшлар ҳам анчагина. Хусусан, кўплаб ўзбек ёшлари ошқора мазах билан Ўзбекистонни Камбоджа деб атайдилар, “камбоджабоши” ҳақида гапиришади, Каримов илгари сурган ғояларнинг пучлигини фош қилишади. Хусусан, “Фарзандларимиз биздан кўра доно, ақлли, билимли, бахтли ва, албатта, Россияга бориб ишлаб келишлари шарт” деган талқинлар ҳам шундай ёшларга тегишли. Улар аксари ҳолларда “тролл” деган тавққа муносиб кўрилган МХХ вакилларини фош қилишади ва уларнинг устидан кулиб шарманда қиладилар.

Яна бир ҳақиқат борки, Ўзбекистонда раҳбар лавозимида ўтирган кўпчилик фейсбукнинг нима эканини билишмайди, шунинг учун улар у ерда бўлаётган кўп гаплардан беҳабар.

Каримов айтган маънан юксак халқ шуми?!

Абдуллох Нусрат

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги Тошкентдаги қирғиз элчисини маслаҳатлашувлар учун Бишкекка чақиртиради. Дипломатик тилда бу “қўшни мамлакат билан дипломатик алоқалар даражасининг пасайтирилиши”ни англатади, аммо “дипломатик алоқалар тўла узилиши”ни билдирмайди.

### Қирғиз томони Тошкентнинг жавобини «мавҳум ва мужмал», деб баҳолади

Ўзбекистон баҳсли бўлиб турган Чаласарт худудига ҳарбий техника ва аскар киритгани муносабати билан Қирғизистоннинг Тошкентдаги элчиси маслаҳатлашувлар учун Бишкекка чақиртириб олинади.

Бу ҳақда 24 март куни Қирғизистон ташқи ишлар вазирлиги расмийси



Ўзбек-қирғиз чегарасидаги вазият халқаро ташкилотлар томонидан эмас, қирғиз ҳукумати томонидан ҳал этилиши лозим эди, деб ҳисоблайди:

— Халқаро ташкилотларга икки давлат ўртасидаги муносабатлар мутлақо издан чиққан пайтда мурожаат қилинади. Бу халқаро тажриба. Чегарадаги вазият юзасидан аввал ҳукумат юқори даражадаги сўзлашувларни ўтказиши шарт эди. Элчини чақиртириб олиш ҳам энг сўнгги чора бўлиши керак. Дипломатлар сўзлашувларни олиб боролмаётган бўлса, уларнинг ўрнига янги дипломатларни тайинлаш керак. Нота жўнатиб, вазиятни янада кескинлаштиришдан ҳеч кимга наф бўлмайди, - деди Аликбек Жекшенкулов.

## КАРИМОВ БИЛАН АТАМБАЕВ ОРАСИДА ЗИДДИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

Нурлан Суярқулов маълум қилди.

Элчининг маслаҳатлашувлар учун чақиртириб олинishi халқаро дипломатияда жиддий норозилик аломатларидан бири сифатида кўрилади. Дипломатик тилда бу “қўшни мамлакат билан дипломатик алоқалар даражасининг пасайтирилиши”ни англатади, аммо “дипломатик алоқалар тўла узилиши”ни билдирмайди. “Элчини маслаҳатлашув учун чақиртириб олинishi” Бишкекнинг Тошкентда нималар бўлаётгани, Қирғизистон хавфсизлигига таҳдид бор ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган ҳаракати ҳам бўлиши мумкин.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги элчининг чақиртириб олинishiга юқорида айтиб ўтилган омиллардан қай бири сабаб бўлганини очиқламаган.

Ўзбекистон 18 март куни икки давлат ўртасида баҳсли бўлиб турган Чаласарт худудига 2 БТР, 2 КамАЗ ва 40 аскар киритган эди. Шундан сўнг Қирғизистон томони Тошкентга норозилик нотаси жўнатган.

22 март куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги нотага жавоб қайтарган. Жавобда Ўзбекистон Наврўз муносабати билан хавфсизлик чоралари кучайтирилиши доирасида Чаласартга аскар киритгани айтилган.

Қирғизистон Ташқи ишлар вазирлиги Тошкентнинг бу жавобини мавҳум ва мужмал, деб

ҳисоблаб, 24 март куни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига яна бир норозилик нотаси жўнатди

— Ўзбекистон биз жўнатган нотага аниқ жавоб қайтармагани ортидан қирғиз томони чегарадаги аниқланмаган Чаласарт худудига ўзбек томони қуролли кучлар ва ҳарбий техника киритиш ҳуқуқига эга эмас эди, деган фикрида собит қолмоқда. Ўзбекистон бу худуддаги постларни йўқ қилиб, аскарлари ва ҳарбий техникасини олиб чиқиб кетганидан сўнггина қирғиз томони ўзбек ҳамкасблари билан барча масалалар юзасидан конструктив музокараларни олиб боришга тайёр бўлади, — деди Нурлан Суярқулов.

### Аликбек Жекшенкулов: Элчини чақиртириб олиш энг сўнгги чора

Айни пайтда Қирғизистон чегарадаги вазиятни ҳал қилишда кўмак сўраб Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро ташкилотларга мурожаат қилган.

Бишкек талаби билан Москвада Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти доимий кенгаши бу масалани муҳокама қилиб, икки давлат ўртасидаги чегарада юзага келган вазиятдан ташвиш билдирган. Бироқ кенгаш қандай қарор қилгани ҳалигача номаълум қолмоқда.

Қирғизистоннинг собиқ ташқи ишлар вазири Аликбек Жекшенкулов

### Қирғизистон ҳукумати:

#### Ўзбекистон Бишкекка босим ўтказишга ҳаракат қилапти

24 март куни Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев агар Ўзбекистон баҳсли худуддан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилмаса, Тошкентда июнь ойида ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти йиғилишига бормаслигини билдирган эди.

Қирғизистон ҳукумати чегарада юзага келган вазиятни Ўзбекистоннинг Ўртаўқай сув омбори масаласида Бишкекка таъсир кўрсатиш ҳаракати сифатида баҳоламоқда. Ўзбекистонда бу объект Касонсой сув омбори деб аталади. Қирғизистон ҳукуматининг чегараларни аниқлаш бўйича махсус вакили Курбанбай Искандеров пайшанба куни матбуотга бу ҳақда билдирар экан, Тошкент Бишкекдан Ўртаўқай сув омборини таъмирлашга рухсат сўрагани, аммо Бишкек бунга рухсат бермаганини айтди. Мана шу воқеа ортидан Ўзбекистон Чаласарт худудига ҳарбий техника ва аскарларини олиб кирган.

Ўзбекистонда Касонсой, Қирғизистонда Ўртаўқай деб аталувчи сув омбори Ўзбекистон томонидан ишлатилиб келинади. Қирғизистон бу худудни ўзига қарашли деб билади. Сув омбори эса икки давлат ўртасида баҳсли бўлиб қолаётган объект ҳисобланади.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



Ўтган ойда Лондонда ФСБ собик полковниги Александр Литвиненконинг ўлдирилиши тафсилотлари тўғрисидаги ҳисоботнинг эълон қилиниши асосий воқеага айланди. Британия суди ҳаками Сэр Роберт Оуэн бошчилигида ўтказилган тергов хулосаларига кўра, Литвиненконинг 2006 йилда полоний 210 радиоактив моддаси билан ўлдирилиши Россия Президенти Владимир Путин буйруғи билан амалга оширилгани эҳтимоли бор. Тергов ҳисоботида Литвиненконинг “Лубянка жиноий гуруҳи” номли китобидаги “Ўзбек изи” номли боби ҳам илова қилинган. Унда Литвиненко президент Путиннинг ўзбек ўғрибошилари Ғафур ва Салимга алоқадорлигини иддао қилади.

### Ўзбек изи

Литвиненконинг 2002 йилда чоп этилган “Лубянка жиноий гуруҳи” (Лубянка – Федерал Хавфсизлик хизмати – ФСБнинг Москвадаги қароргоҳи-таҳр.) китоби 2016 йил январидан Сэр Роберт Оуэннинг ҳисоботи эълон қилиниши туфайли яна матбуот диққат марказига тушди. Собик ФСБ полковнигининг полоний 210 радиоактив моддаси билан захарлаб ўлдирилиши юзасидан ўтказилган тергов хулосаларига илова сифатида, мазкур китобнинг “Ўзбек изи” номли боби ҳам тиркалган ва инглиз тилида “Uzbek file”, яъни “Ўзбек иши”, деб олинган.

Британия судьяси Сэр Роберт Оуэн ўз ҳисоботида Литвиненко ўзбек ўғрибошиси Ғафур билан наркотрафикни йўлга қўйган жиноий гуруҳнинг КГБ мулозимлари, жумладан Владимир Путин ва Николай Патрушев билан алоқалари бўлганига ишора қилувчи далилларни кўлга киритган, дея хулоса қилади.

Унда Литвиненко Россия Президенти Владимир Путиннинг жиноят олами билан алоқаларини фош этиш иддаолари, унинг ва Россия ФСБси раҳбариятининг ўзбек криминал дунёси ўғрибошилари Ғафур ва Салим билан олди-берди қилгани ҳақида ёзади.

“Ўзбек изи”да Литвиненко фамилияларни келтирмайди, лекин у келтирган айрим иддаолардан ўқувчи гап ким ҳақида кетаётгани тўғрисида хулоса чиқариши мумкин. Путиннинг ўзбек жиноят олами вакиллари билан



## Литвиненко «ўзбек ўғрибошилари Ғафур ва Салим» Путинга алоқадор, дея иддао қилган

алоқадорлиги тўғрисида иддао қилган Литвиненко ўз китобидан 1990-йилларда рўй берган воқеаларни тасвирлайди.

Лондон суди ҳисоботида тиркалган “Ўзбек иши”да Ғафур исмли бандит бошчилигидаги тўда 90-йилларда Марказий Осиё орқали Россияга, у ердан эса Ғарбий Европага наркотиклар сотиш йўллари тўла назорат қилгани ҳақида гап боради.

Литвиненконинг иддао қилишича, Ғафур ФСБ бошқармаси бошлиғи Евгений Хохольков ҳимояси остида Россия орқали наркотрафикни йўлга қўйишга муваффақ бўлган. Хохольков собик иттифоқ даврида Ўзбекистон ССР КГБсида хизмат қилгани ва ўша пайтларда Ғафур ва Тайванчик лақабли “вор в законе” Алик (Олимжон-таҳр.) Тўхтаоҳунов билан яқин алоқаларда бўлгани иддао қилинади китобда.

*(Бошқа манбаларда Хохольков 1950 йилда Ўзбекистонда туғилгани ва 1990-йиллар бошларига қадар Ўзбекистон ССР КГБсида хизмат қилгани айтилади-таҳр.)*

### Ғафур билан Хохольков видеоси

Литвиненко ҳикояси давомидан, Ғафур наркотикларнинг асосий етказиб берувчиси бўган афғонистонлик ўзбек генерали Абдул Рашид Дўстум билан яқин алоқалари туфайли бу соҳани ўз назоратига олишга муваффақ бўлганини ёзади. Совет иттифоқи тарқанидан кейин Ўзбекистон КГБсидан Москвага

ФСБга ўтказилган Хохольков эса, наркотрафикнинг Россия орқали хавф-хатарсиз ўтишини кафолатлаганига асос ўлароқ, Литвиненко бир эпизодни эслайди.

Россия Ички ишлар вазирлигининг уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг Платонов исмли мулозимига таяниб, генерал Хохольковнинг Ғафур билан бирга ўтиргани тасвирланган видео борлигини ёзади.

Ғафурнинг наркотрафик йўллари назорат қилиш бўйича асосий рақиби “Алмаз лақабли козоқ авторитети бўлган. Тожик жиноий гуруҳини ҳам назорат қилган Алмазни кейинчалик Испанияда ўлдиришган.

Бу гуруҳлар орасида доимо қарама-қаршилиқлар бўлган ва вақти-вақти билан авторитетлар ўзаро келишиб, урушнинг олдини олиш учун учрашиб туришган. Ана шундай учрашувлардан бирида Хохольков уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармасининг оператив сьёмкасига тушиб қолади. Бу учрашув пайтида ўзбеклар тожиклардан Россия орқали товарларининг ўтиши учун ҳақ тўлашлари кераклиги талаб қилишгани тўғрисида Платонов менга гапириб берди. Алмазнинг бундан жажли чиқади – катта пул сўраяпсан, нима учун тўлашим керак экан, дейди. Ғафур эса бунга жавобан, Россияда биз ҳамма учун умумий ҳимояни таъминлаймиз, деб айтади. Алмаз рози бўлмаса

*(Давоми кейинги саҳифада)*



*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

муаммоларга дуч келиши мумкинлиги, чунки Россияда катта алоқалари борлигини айтади. Шунда иккаласи гап тортишиб қолади, Алмаз Ғафурдан: “Ким бизга муаммо яратар экан?”, деб сўрайди.

Ана шу пайт Хохольков гапга қўшиладида “Мен сизга муаммо яратаман”, дейди. Ана шу видео, Платоновнинг сўзларига кўра, ички ишлар вазирлиги раҳбарияти сейфида сақланган”, деб ёзади Литвиненко.

Литвиненкога кўра, МВД ихтиёрида бўлган яна бир видеода Ғафурнинг ФСБ генерали Хохольковга пул бераётгани тасвирланган.

### «Путин кўпдан бери ўзбеклардан тирикчилик қилиб келади»

Россия президентининг ўзбек бандити Ғафурга алоқаси бўлганини иддоо қилган Литвиненко, генерал Хохольков ва ўзбек тўдаси бўйича тўплаган материалларни 1998 йилда Россия ФСБси директори этиб тайинланган Путинга топширганини эслайди. Путин бу материалларни олиб қолади ва орадан кўп ўтмай Литвиненкони ФСБдан ишдан бўшатишади ва 1999 йилда ваколатини суистеъмол қилганлик айби билан ҳибсга олинади.

“Кейинчалик Путиннинг Хохольков командаси билан ўзаро алоқалари, Путин Санкт Петербург мэри Собчакнинг иқтисод масалалари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаган пайтга бориб тақалишини тушундим”, деб ёзади Литвиненко. Бу хулосаларни Литвиненко “ўша пайтда Путинга яқин доирада ишлаган” ва президент курсисини эгаллаганидан кейин Путиннинг иқтисод масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланган Давид Двалидан эшитганларидан чиқаради. Литвиненконинг ёзишича, Давид Двали 90-йилларда унинг Санкт Петербург ҳокимлигидаги ишончли одами бўлган.

“Турмадан чиққанимда (2000 йилда-тахр) Давид Двали билан учрашдик. У менга: “Путин сени эзиб ташлайди, сенга ҳеч ким ёрдам бера олмайди. У сени эзиб ташлайди, чунки у ўзбеклар командаси билан Питер бўйича ишлайди. Путин кўпдан бери бу боллардан тирикчилик қилади. У ерда умумий пуллар бор, улар сени



йўқ қилишиди”, деди”, дея эслайди ўз китобида Литвиненко.

Давид Двали 2000 йил апрелида Москвадаги уйи олдида отиб ўлдирилган.

### Хотини гимнастика тренери бўлган Алишер

Литвиненко китобида Марказий Осиёдаги наркотрафикни назорат қилувчи ўзбек бандити Ғафурнинг фамилияси келтирилмаган. (АҚШ ҳукумати Марказий Осиёда наркотиклар ноқонуний савдосини назорат қилувчи шахс сифатида ўзбек криминал дунёси авторитети, деб кўрилувчи Ғафур Раҳимовга нисбатан санкция қўллаган. Лекин Озодлик Литвиненко айнан Раҳимовни назарда тутганини таъкидлай олмайди-тахр.)

Ғафурнинг Москвадаги ишончли одамлари сифатида Тайванчик лақабли “вор в законе” Алик Тўхтаоҳунов ҳамда Алишер исмли шахсни тилга олади. Алишернинг ҳам фамилияси келтирилмаган, лекин унинг хотини гимнастика бўйича терма жамоа тренери эканини эслатиб ўтган Литвиненко.

«ФСБ оператив маълумотларига кўра, Алишер Хохольков, Сергей Ястржембский (собиқ президент Борис Ельциннинг матбуот котиби-тахр.) ва собиқ Россия мудоффа вазирини ўринбосари ва Хавфсизлик кенгаши раиси Андрей Кокошин билан яқин дўстона алоқалари бўлган. Алишернинг хотини, гимнастика бўйича терма жамоа тренери уни саккиз йил турмадан чиқишини кутган. У, яъни хотини орқали спорт вазирини Шамил Тарпишчев ҳамда подольск жинорий гуруҳи аъзоси Ратан лақабли Иванюженков билан алоқа ўрнатган», деб ёзади Литвиненко.

### Самолётда ғойиб бўлган Салим

Литвиненко ФСБ генерали Хохольков исмига илк бор 1993 йилда, хавфсизлик идорасининг бошқа бошқармасида ишлаган пайтда дуч келганини эслайди. Ўша пайтда Литвиненко собиқ иттифоқ тарқалганидан кейин Ўзбекистон КГБсидан Хохольков билан биргаликда Москвага кўчирилган полковник Костюков ва подполковник Ваганов кўли остида ишлаган. Ўшанда оператив ходим бўлган Литвиненкога бир куни Ўзбекистондан Салим лақабли жиноят гуруҳи етакчиси учиб келаётгани ва уни ҳибсга олиш вазифаси топширилади.

“Ҳибсга олишга жўнаб кетаётсак, Ваганов: “Қаерга кетяпсизлар?”, деб сўради. Мен: “Салимни” ушлагани, деди. Ваганов “Кимни?”, деб сўрадию, шошилганча кимгадир телефон қилгани кабинетига кириб келди. Самолёт келди. Йўловчилар тушишди, лекин Салим йўқ. Самолётда тинтув ўтказдик – йўқ. Афтидан, Ваганов кимнидир оғохлантиришга улгурган. Кейинчалик билсак, самолёт учиб кетаётганда уни ортга қайтаришган. Салим тушиб қолган, самолёт яна учиб кетган”, деб ёзади Литвиненко.

*(Литвиненко ўз китобида Салимнинг ҳам фамилиясини келтирмайди. Wikileaks сайти эълон қилган каблограммалардан бирида Ўзбекистондаги мафия тўдабошиси сифатида ўзбек криминал дунёси авторитети, деб кўрилувчи Салим Абдувалиев исми келтирилган. Лекин Озодлик Литвиненко айнан Абдувалиевни назарда тутганини таъкидлай олмайди-тахр.)*

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

### Литвиненко биринчи қурбон эмас

2006 йилда Лондонда полоний 210 моддаси билан заҳарлаб ўлдирилган собиқ ФСБ полковниги Александр Литвиненко ўз китобининг “Ўзбек изи” номли бобида Путиннинг наркотрафик ва хусусан ўзбек бандити Фафур билан алоқалари тўғрисидаги тахминлари иддаолар эканини эътироф этади, лекин шу билан бирга бу иддаолар ўз ихтиёридаги оператив маълумотларга асосланганини таъкидлайди.

Сэр Роберт Оуэн ҳисоботида Литвиненконинг «Лубянка жиноий гуруҳи» ва Россия президентини турли жиноятларда айбловчи бошқа китоблари унинг ўлдирилишига сабаб бўлгани эҳтимоли юқори экани хулоса қилинган.

Литвиненконинг бу иддаолари асосли бўлишига ишора қилувчи маълумотлар бошқа манбаларда ҳам бор. Собиқ Ўзбекистон ССР КГБси ходими Евгений Хохольков 1998 йилда Россия Давлат думаси депутати, “Новая Газета” бош муҳаррири ўринбосари Юрий Шчекочихиннинг бош прокуратура, президент маъмурияти ва ФСБ директорида юборган депутатлик сўровномаси фигуранти ҳам бўлган.

Депутат Шчекочихин ўз сўровномасида қўйган саволлар орасида қуйидагилар ҳам бор:

1. Е. Г. Хохольков ФСБда раҳбар лавозимга тайинлангунига қадар Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик қўмитасида (МХХ-таҳр.) ишлагани ва бу қўмита ихтиёрида генерал Хохольковни обрўсизлантирувчи материаллар борлиги ростми?

2. ФСБ раҳбариятининг Хохольковни ишга олиш нияти

борлигини билган Ўзбекистон МХХси расмий тартибда ФСБ раҳбариятини Хохольковни обрўсизлантирувчи материаллар мажудлиги тўғрисида огоҳлантиргани ва Ўзбекистонга ФСБ ички хавфсизлик бошқармасининг бир гуруҳ ходимлари бориб, бу масалани текширгани ростми?

...

6. Хохольковни обрўсизлантирувчи бошқа материаллар, хусусан унинг ўзбекистонлик таниқли жиноий “авторитетлар” Фафур ва Салим билан алоқалари борлиги тасдиқландими?

Бу сўровнома юборилганидан 5 йил ўтиб, 2003 йилда депутат Юрий Шчекочихин заҳарлаб ўлдирилади.

Манба: «Озодлик» радиоси



## Ўзбекистон ўз қўшинини баҳсли ҳудуддан чиқарган

«Озодлик» радиосининг хабар беришича, Ўзбекистон ўз қўшини ва ҳарбий техникасини қирғиз-ўзбек чегарасидаги баҳсли бўлиб турган ҳудуддан ортга тортган. Қирғизистон чегарани қўриқлаш хизмати мулозимлари узаро сарҳадларда юзага келган кескинликни юмшатишга қаратилган музокаралар ортидан ўзбек томони 26 март куни эрталаб ўз қўшинини баҳсли ҳудуддан олганини билдирди. Мазкур музокаралар ўзбек томони ташаббуси билан 25 март куни ўтказилган эди.

Ўзбекистон қирғиз-ўзбек чегарасидаги баҳсли ҳудуддан қўшинини ортга олиши Тошкент ва

Бишкек ўртасида бир ҳафта давом этган кескинликка барҳам берди.

18 март куни икки мамлакат ўртасида баҳсли саналган Қирғизистоннинг Олабуқа ва Ўзбекистоннинг Чортоқ туманлари ўртасидаги баҳсли ҳудудга ўзбекистон ҳарбийлари киритилиб, янги чегара назорат нуқтаси ўрнатганликлари тўғрисида хабар берилганди.

Ўзбекистон Миллий Хавфсизлик Хизматининг Чегара Қўмитаси 21 март Наврўз байрами муносабати билан мамлакат чегараларида хавфсизлик чоралари кучайтирилганини билдирганди.

Қирғизистон томонида эса бу амал норозиликларга сабаб бўлди.

24 март куни Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев агар Ўзбекистон баҳсли ҳудуддан ўз ҳарбийларини олиб чиқиб, вазиятни юмшатишга ҳаракат қилмаса, Тошкентда июнь ойида ўтадиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти йиғилишига бормаслигини билдирган эди.

Қирғизистон ҳукумати чегарада юзага келган вазиятни Ўзбекистоннинг Уртатўқай сув омбори масаласида Бишкекка таъсир кўрсатиш ҳаракати сифатида баҳоламоқда.

Ўзбекистонда бу объект Касонсой сувомбори деб аталади. Қирғизистон ҳукуматининг чегараларни аниқлаш бўйича махсус вакили Курбанбай Искандеров пайшанба куни матбуотга бу ҳақда билдирар экан, Тошкент Бишкекдан Уртатўқай сув омборини таъмирлашга рухсат сурагани, аммо Бишкек бунга рухсат бермаганини айтди.

Мана шу воқеа ортидан Ўзбекистон Чаласарт ҳудудига ҳарбий техника ва аскарларини олиб кирган.

Ўзбекистонда Касонсой, Қирғизистонда Уртатўқай деб аталувчи сув омбори Ўзбекистон томонидан ишлатилиб келинади. Қирғизистон бу ҳудудни ўзига қарашли деб билади.

Сув омбори эса икки давлат ўртасида баҳсли бўлиб қолаётган объект ҳисобланади.

Қирғизистон-Ўзбекистон чегарасининг умумий узунлиги 1300 километрдан зиёдроқ бўлиб, унинг кўпгина қисми баҳсли бўлиб қолаётир.

ЎХХ хабарлар бўлими



Бировни кофирга чиқарадиганлар ҳам бир хил бўлмайди. Улардан баъзилари фақат давлатни кофир деса, айримлари давлатга қўшиб ҳукуматларни ҳам кофирга чиқаради. Яна бир тоифаси борки, улар давлатни ҳам ҳукуматларни ҳам ва уларга қўшиб ўша ҳукуматлардаги вазифадор бўлиб ишлаётган кишиларни ҳам кофирга чиқаришади. Энг ашаддий такфирчилар эса ўзларидан бошқа барчани:

- давлатларни;
- ҳукуматларни;
- вазифадорларни;
- ҳатто уларга қўшиб оддий

## Такфирчилар ҳақида

халқни ҳам кофир санашади!

— Устозларимдан бири тоғам шайх Муҳаммад Солим роҳимахуллоҳ Мавританияда таълим вазири бўлган эди. У киши масжидда жаноза намозини ўқиб чиқсалар такфирчилардан бўлган бир танишларини кўриб қолибдилар.

Унга:

— Ассаламу алайкум-, дея қўл узатибдилар.

Такфирчи эса:

— Салом фақат ҳидоятга эргашганларга бўлади -, дея шайхнинг қўлини олмайди.

Шайх ажабланиб:

— Нега мен билан сўрашгинг келмаяпти -, десалар,

у:

— Сиз кофир давлатда вазири бўлиб ишлайсиз, демак сиз ҳам кофирсиз!-, дебди.

Шунда шайх кулимсираб:

— Саломлашавер, бир ҳафтага таътилга чиққанман! -, дебдилар.

Фазилатли Шайх Муҳаммад Ҳассан Валад Даду ҳафизахуллоҳ!

**Аброр Мухтор Алий**  
Манба: Facebook.com

## Наврўз табриги!

**Ассалому-алайкум кадилри ватандошлар!**

**Хурматли дўстлар, акалар-укалар, опа-сингиллар!**

3000 минг йилдирки Наврўз дунё бўйлаб миллионлаб одамларнинг умид лахзалари бўлиб келади. Биз орзиқиб кутадиган баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи Наврўзи олам қутлуғ қадам ила ўлкамизга кириб келмоқда.

**Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқано Янги йил дебончаси, энг қадимий асл миллий байрам сифатида мўтадил фурсатдан фойдаланиб, мунаввар кунларда она табиатдан баҳра олиб, сумалак, ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхон артофига Наврўз қувончларини ўз яқинлари, аразлашган дўст-ёрлар, опа-сингиллар, ака-укалар шу баҳонада ярашиб баҳорий неъматлардан барҳам кўришларини О.ЛОХИМдан сўраб қоламан. Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинч-тотувлик тилаб ҳурмат ва эҳтиром ила Абдуқодир Нурмуҳаммад ўғли Саттаров**

*Кенг оламга гуллар сочиб,  
сахий бўлиб, келар Наврўз,  
Тонг сахарда сабо бўлиб,  
қирлар ошиб, елар Наврўз!*

*Харир либослар эғнида,  
келинчакдек нозланади,  
Бутун борлиқ — табиатни  
гуллар билан безар Наврўз!*

**ЎХХ хабарлар бўлими**



## Иброҳим Қорагул: Биз уруш ҳолатидамиз!

Туркиянинг ҳукуматга яқин ҳисобланган кўп тиражли "Янги шафақ" газетасининг Бош муҳаррири Иброҳим Қорагул ўз мақоласида шундай дейди:

-Очиқ гапирайлик, биз уруш ҳолатидамиз! Сурия масаласи Туркияни қуршаб олиш лойиҳасига айланди. Эрон билан ҳам билвосита бир уруш ҳолатидамиз. Шимолда Россия билан қурашябмиз. Ҳозирда узун жанубий чегарамиз бўйлаб йўлак қурилмоқда ва бу йўлак келажакда Туркияга қарши бериладиган зарбанинг олд жабҳаси сифатида шакллантирилмоқда. Сурия бир ички муаммо ҳолига келди. Бу ички масалани "Ички ишғол уруниши" сифатида Жизра ва Силопида кўрдик. Ҳозир эса Идил ва Нусайбинда шунга ўхшаш бир ҳолатни кўриш мумкин. РКК орқали уруш Тукрия ҳудуди ичига кириб келмоқда. Эртага PYD кўмагида Сурия чегараси бўйлаб шунга ўхшаш

урунишлар бўлади ва балки йигирма йил бу уруш билан юзлашимиз мумкин.

-Туркия тарихининг энг муҳим геополитик ҳаракати, бир глобал коалиция ёрдамида бузиб ташланди. Буларнинг барчаси Туркияни тўхтатишга қаратилган бир ҳаракатдир. Ривожланган, жуда кучли, сиёсий онги етуклашган, тарих ва жўғрофияни янгидан идрок этган Туркия, фақатгина баъзи ғарбий мамлакатлар учун эмас, балки жўғрофияни шакллантирган ҳар куч учун бир таҳдид сифатида кўрилмоқда. Энди улар амалга ошираётган террор билан биргаликда дўстлик қуришга урунишлари каби стратегик ҳаракатлари, Туркиянинг кучини синдиришга, ҳамда таъсир доирасини чеклаш учун қарши урунишдир. Шу сабабдан бу тариқа ураб олинмоқда.

**ЎХХ хабарлар бўлими**



**(Давоми: Боши олдинги сонда)**

Дастлаб, Грегор кизга дакки бериш мақсадида, энг ифлос бурчакка бошини тикиб ётди. Аммо у хафталаб ётса ҳам, синглиси бу бурчакка тегмаган бўларди. Қиз бу ахлатларни акасида яхшироқ кўриб турар, фақат артишни истамас эди. Шунга қарамай, у ўзини Грегорнинг ётоғига қарайдиган ягона одам деб санар ва бу ҳуқуқни доим ҳимоя қилар эди. Бир куни, нима бўлди-ю, онаси катта тоғорада сув келтириб, Грегорнинг хонасини бошдан-оёк ювди. (Нам Грегорга ёкмас, шунинг учун у диванда чўзилганча, карахт ётарди) ва кизидан балога қолди: Грета кечкурун хонадаги ўзгаришни сезди-да, меҳмонхонага чопиб чиқди, онасининг ялинишига қарамай фарёд кўтарди. Бу йиғидан чўчиб кетган отаси креслодан турди ва нима қиларини билмай, қотиб қолди. Кейин ота ўнг тарафдан, кизи чап ёндан онага қичқирганча Грегорнинг хонасига қараш Гретанинг иши эканлиги уктира бошладилар. Онаси ҳаяжондан гарангсиган чолни хонасига олиб кетишга ҳаракат қилди. Грета бўлса йиғидан қалтираб, кичик қўллари билан столни муштарди. Грегор, ўз навбатида бу манзарани кўришга тоқати йўқ, эшикни очиқ қолдирганларидан ғазабланиб, тинмай вишиллар эди.

Ҳарҳолда, сингил ишдан чарчаб келиб, Грегорга аввалгидай қарамаса ҳам, онаси унинг ўрнини босолмаса ҳам, Грегор бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилмади. Энди хизматкор хотиннинг навбати келган эди. Бу қари бева, бакувват гавдаси туфайли узоқ яшаган ва умри бўйи бу фожиадан ҳам беш баттарини кўрган бева, Грегордан унчалик ирганмасди. У бир куни шунчаки — кизиқиб эмас — Грегорнинг эшигини очди-ю, полда ётган баҳайбат хашаротни кўриб, таажжубланди ва қорнига қўлларини қўйганча тўхтаб қолди, Грегор бўлса уни ҳеч ким қувмаса ҳам, бирдан югура бошлади. Ушандан бери хизматкор хотин ҳар куни эрталаб ёки кечкурун Грегорнинг эшигини очиб қарайдиган бўлди. Ҳатто у Грегорни ўзича эркалаб чакирарди ҳам: «Бу ёққа кел-чи, гўнгўнгиз, бу ёққа кел!» ёки «Манави кўнгизчани қаранг, қани бери кел!», деб эрмак қиларди. Лекин Грегор унга мутлақо жавоб бермас, гўё хонада ҳеч ким йўқдай, ўрнидан қимир этмасди. Грегорни худа-беҳудага

**Франц Кафка.  
Эврилиш (ҳикоя)-7**

безовта қилиш ўрнига бу хотинга хонани йиғиштиришни буюрсалар бўларди! Бир куни эрталаб — даразага ёмғир томчилари урилаб, баҳор кириб қолганга ўхшарди — хизматкор хотин одатдаги сафсатасини бошлаган эди, Грегор қаттиқ ғазабланиб, хужум қилишга тайёрлангандай, бемажол бир ҳаракат билан, секин хизматкор хотин томон бурилди. У бўлса кўркиш ўрнига эшик ёнида турган стулни даст кўтардию оғзини очганча туриб қолди. Грегор бу стул унинг елкасига зарб билан тушмагунча хизматкор хотин оғзини ёпмаслигини дарров тушунди ва яна ортига ўгирилиб, аввалги ҳолатига қайтди. «Демак, бошқа ҳамла қилиш йўқ», деди хизматкор хотин хотиржамлик билан стулни ерга қўйди.

Грегор анчадан бери овқат емас эди. Фақат унга қўйилган ейимлик ёнидан ўтаётди, эрмак учун оғзига бир парча солар ва бу парчани бир неча соат оғзида олиб юрар, кейин туфлаб ташларди. Дастлаб, у хонанинг кўриниши иштаҳани бўғди, деб ўйлади. Лекин у хонадаги ўзгаришга тез кўникиб олди-ку: уйда ортикча туюлган нарсаларнинг ҳаммасини унинг хонасига тикишди. Бунақа ашқол-дашқоллар кейинги пайтда яна кўпайди, чунки оила уйнинг бир хонасига учта кишини ижарага қўйди. Ижарачиларнинг учаласи ҳам серсоқол — буни Грегор эшик тирқишидан кўрди — ниҳоятда талабчан кишилар эди. Улар фақат

ўз хонасида эмас, балки бутун уйда, айниқса ошхонада тартиб бўлишини қаттиқ талаб қилардилар. Улар зарур мебелни ўзлари билан олиб келишган эди. Шу сабаб, уйда ортикча, сотишга яроқсиз, ташлаб юборишга ҳам кўз қиймайдиган анчагина нарса пайдо бўлди. Булар ҳаммаси Грегорнинг хонасига жойланди. Кул ташлайдиган кути ҳам, ахлат солинадиган идиш ҳам унинг хонасида эди. Ҳатто вақтинча кераксиз туюлган ҳар бир нарсани хизматкор хотин Грегорнинг хонасига улоқтирар эди. Балки хизматкор хотин бу нарсаларни кейин олиб чиқаман, деб ўйлагандир, аммо қачонлардир улоқтирилган матоҳ шундайлигича ётаверар ва Грегор бу ашқол-дашқол оралаб ўрмалар экан, баъзиларини кўзгатиб қўйишга мажбур бўларди. Лекин бора-бора, бу саёҳат Грегорга ёкиб қолди. Гарчи саёҳатдан сўнг Грегор ўлгудай чарчаб, узоқ вақт бемажол ётса ҳам, унинг ягона эрмаги шу эди.

Ижарачилар кечки овқатни баъзан уйда, кенг меҳмонхонада қилсалар-да, меҳмонхона эшиги берк бўларди. Грегор бундан хафа бўлмас эди, чунки эшик очиқ қолган окшомларда ҳам унинг кузатишга мадори йўқ, қоронғи бурчакка тикилиб ётаверар ва уйдагилар унга эътибор қилишмасди. Лекин бир куни хизматкор хотин меҳмонхона эшигини ярим очиқ қолдирди. Ижарачилар келиб, чироқ ёнди, аммо эшикни ҳеч ким ёпмади. Ижарачилар столнинг нариги томонига — илгари Грегор, ота ва онаси ўтирадиган жойга ўтирдилар, салфеткани ёзиб, қўлларига санчки билан қошиқ олишди. Шу пайт гўшт тўла товокни кўтариб онаси, унинг изидан картошка уюлган иккинчи товокни кўтариб синглиси кириб келди. Овқатдан қуюқ буғ кўтарилди. Ижарачилар олдида қўйилган тарелкалар узра гўё овқатни текшираётгандай энгашдилар. Ўртада ўтиргани, ичида обрўлироғи шекилли, гўштни бошқа идишга олмаёқ, кеса бошлади. У гўшт яхши қайнатилмаган бўлса, ошхонага қайтариб юбормоқчидай эди гўё. Лекин у норозилик билдирмади. Буни кузатиб турган она ва киз бир-бирларига қарашди-да, жилмайиб қўйишди.

Уй эгалари ошхонада овқатланардилар. Лекин отаси ошхонага қирмай, аввал ижарачилар ёнига келди, фуражқасини қўлига

**(Давоми кейинги саҳифада)**

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

олиб, ҳаммага таъзим қилган бўлди. Ижарачилар ҳам ўрнидан туриб, гўлдираб кўйишди. Кейин улар ёлғиз қолишди ва овқатини жим ея бошладилар. Бу овқат маросимидаги ҳар хил шовқин ичида гўшт чайнаётган тишлар товуши алоҳида эшитилгани Грегорга ғалати туюлди. «Овқат емоқ учун тиш керак. Бусиз, жағ қанча кучли бўлмасин, ҳеч нарсага ярамайди», деб ўйлади Грегор. «Ахир менинг иштаҳам яхши-ку, — деди ичида ёзғириб Грегор, — фақат бунақа овқатга тобим йўқ. Лекин анавиларнинг ейишига қара, мен бўлса ўлиб кетаяпман!»

Ўша куни кечкурун ошхонадан скрипка товуши эшитилди. Грегор бу товушни касал бўлгандан бери биринчи марта эшитиши эди. Ижарачилар овқатланиб бўлишган эди. Ўртада ўтиргани газета олиб, унинг ичидаги саҳифаларини ўртоқларига чўзди ва учовлон креслога чалқайганча, мутулаа қила бошладилар. Скрипка товуши чиккан заҳоти, улар ўрнидан туриб, оёқ учида ошхона эшигига бордилар ва жим кулоқ сола бошлашди. Лекин ошхонада ўтирганлар буни сезди шекилли, отасининг овози чикди:

— Балки жанобларига скрипка товуши ёқмас? Уни ҳозирок тўхтайтиш мумкин...

— Йўқ, аксинча, — деди ўртадаги ижарачи, — хоним бизнинг хонага ўтиб чалсалар янада хурсанд бўлардик, бизнинг хона, ҳарҳолда, анча қулай...

— О, марҳамат! — дея хитоб қилди отаси, гўё скрипкани ўзи чалаётгандай.

Ижарачилар меҳмонхонага қайтиб, кута бошлашди. Бир оздан сўнг чол нота кўядиган курсини кўтариб, онаси — кўлида нота, синглиси скрипкани олиб кириб келдилар. Грета бамайлихотир чалишга тайёрлана бошлади. Ота билан она илгари ҳеч кимни ижарага қўймагани сабабли, тажрибасизлик қилиб, ижарачиларга ортиқча илтифот этар, ҳатто ўз курсиларига ўтиришга ҳам журъат қилишмасди. Чол ўнг кўлини мундирининг тугмачалари орасига тикқанча, эшикка суяниб турар, она бўлса ижарачилардан бири шунчаки таклиф қилган стулга ўтирмай, бир бурчакда бегонасираб турарди.

Грета чала бошлади. Ота ва она унинг қўл ҳаракатини диққат билан кузатдилар. Куйга берилган Грегор одатдагидан кўра олдинроқ

## Франц Кафка. Эврилиш (ҳикоя)-7

ўрмалади ва унинг боши деярли меҳмонхонага чиқиб турарди. Грегор сўнгги пайтларда одамларга эътибор қилмай кўйганини сезди-ю, бунга таажжубланмади. Аввал одамларга бўлган бу эътибори билан — фаросати билан фахрланарди. Энди-чи, ҳеч қачон ҳозиргидай кўримсиз бўлмаган Грегор ҳатто одамлардан яширинишни ҳам истамасди: унинг елкаси ва биқинига ҳар хил иплар, овқат қолдиклари ёпишган, ҳамма жойини чанг босган эди. Аммо энди ҳар куни гиламга чалқанча тушиб, ўзини тозалашга Грегорнинг ҳафсаласи йўқ, айна пайтда ўз туркига нисбатан шунчалар лоқайд эдики, ҳеч иккиланмай меҳмонхонанинг ялтираб турган полида ўрмалай бошлади.

Лекин унга ҳеч ким эътибор қилмади. Ота-онаси бутунлай куйга берилиб кетган, ижарачилар эса шим чўнтагига қўл тикиб, нота кўйилган курси ёнида турардилар. Уларнинг нотага тикилиб тургани синглисига халақит берарди. Буни сезишган ижарачилар шивирлашиб, дераза ёнига ўтдилар. Чол ҳаммасини бесаранжом кузатарди. Ижарачиларнинг яхши куй эшитамиз деган умиди пучга чиккандай, бу томоша уларнинг жонига теккандай, фақат одоб юзасидан жим тургандай эди улар. Айниқса, оғзи-бурнидан паға-паға чиқаётган тамаки тутуни уларнинг асабийлашганини шундай кўрсатиб турарди. Грета бўлса, ниҳоятда яхши чаларди. У бошини хиёл қийшайтириб, нота белгиларига диққат билан, айна пайтда маҳзун қарарди. Грегор яна олдинроқ силжиди. Синглисининг кўзига қараш учун бошини ерга кўйди; мусиқа унга шунчалик таъсир қилар экан, наҳотки у одам эмас, ҳайвон бўлса?

Грегор ҳозир ғаройиб бир озиққа яқин қолгандай, номаълум бир лаззатга етадигандай энтиқди. У синглисининг ёнига бориб этагидан тортишга қатъий қарор қилди: токи, қиз Грегорнинг хонасига кириб чалсин, токи у Грегордан бошқа бу ерда ҳеч ким мусиқани кадрлай олмаслигини тушунсин. У Грегорнинг хонасига кирса бас, Грегор токи тирик экан, уни бошқаларга бермайди. Майли, Грегорнинг жирканч кифёси ниҳоят ўз вазифасини бажарсин. у хонага кирмоқчи бўлган ҳар

бир кимсани ўз башараси билан даҳшатга солади, синглисини ҳамоя қилиб, барча эшиклар ёнида пайдо бўлади. Лекин синглиси унинг ёнида ўз истаги билан қолиши керак. Майли, у Грегор билан диванда ўтирсин, унга энгашиб кулоқ солсин, шунда Грегор агар бошига фалокат тушмаганида Гретани консерваторияга жойлаштирмоқчи бўлгани ва бу ҳақда рождестводан олдин (рождество ҳам ўтиб кетган эди) ҳеч кимнинг эътирозини тингламай, эълон қилмоқчи бўлганини тушунтиради. Буни эшитиб синглиси қувонч ва аламдан йиғлайди. Грегор бўлса унинг елкасига тирмашиб, очиқ бўйнидан — хизматга киргандан бери на рўмол, на ёқа кўрган очиқ бўйнидан ўпади.

— Жаноб Замза! — деб бақирди ўртадаги ижарачи ва ортиқ гапирмай, бармоғини бигиз қилиб, судралаётган Грегорни кўрсатди. Скрипканинг овози тинди. Ўртадаги ижарачи ўртоқларига қараб тиржайди, бошини ликиллатди ва яна Грегорга қаради. Отаси Грегорни ҳайдашдан аввал ижарачиларни тинчлантирмоқ зарур деб ўйлади шекилли. Аммо ижарачилар хотиржам, ҳатто уларни мусикадан кўра Грегор кўпроқ кизиқтирарди. Бари бир чол кўллариини ёзганча, гавдаси билан Грегорни яшириб, ижарачилар ёнига борди ва уларни ўз хонасига чекинтира бошлади. Чолнинг бу қилигиданми ёки Грегордай қўшни борлигидан хабардор қилмаганлари учунми, ижарачиларнинг жаҳли чикди. Улар чолдан, бу нима дегандай, изоҳ талаб қилдилар, лекин чол сиқуви остида аста-секин ортга чекина бошладилар.

Шу орада чалишни тўхтатган синглиси ўзига кела бошлади; уҳамон чалишни давом эттираётгандай скрипка ва камончани ушлаб, нотадан кўз узмай бир зум қотиб турди, кейин сесканиб тушди-да, кўлидаги асбобини ҳали ҳам бурчакда шумшайиб ўтирган, дами қисиб зўрга нафас олаётган онанинг тиззасига кўйди ва қўшни хонага чопиб кирди.

(Давоми келгуси сонда)

<p><b>“ERKIN YURT”</b> интернет-газетаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий нашри www.uzxalqharakati.com/erkinyurt Мухаррир: Нурбек Саломов</p>
--